


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



БЕТАКРОРИМСАН, ЯҒОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ОЗОДЛИК, ОБОДЛИК ВА БУЮК КЕЛАЖАК ТИМСОЛИ

Президентимиз Ислам Каримов Фармонида биноан 1991 йил 5 сентябрда мамлакатимизнинг бош майдонига Мустақиллик майдони номи берилган

Ер шарида алоҳида ажралиб турган Ўзбекистон харитаси, фарзандига меҳр-ла термулган бахтиёр она сиймоси, парвозга шайланган турналар... Мустақиллик майдонида қад ростлаган бу рамزلарда Ватан, истиқлол, миллий ғурур, тинчлик-тотувлик, она меҳри, барқарорлик, ободлик, буюк келажак нафаси бор.

Ҳа, Мустақиллик майдони эл-юртимиз ҳаётида чуқур маъно-мазмунга эга. Бу улугвор маскан аждодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган, бугунги

бахтиёр авлодларга насиб этган энг улуг, энг азиз неъмат – истиқлолимиз, келажаги буюк давлат барпо этиш йўлида юксак марраларни забт этаётган азму шижоатли халқимиз қалбидида эзгу ва бегубор орзулар ифодасидир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари самарасида Тошкентнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Миллий меъморлик ва замонавий архитектура анъаналарини

ўзида мужассам этган мунис, балки мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгариб юборди. Бир вақтлар асосан бетон билан қопланган майдон бугун дилга ором бағишловчи фусункорлик касб этган. Каштан, қарагай, арча, эман, қайин каби ҳавони тозаловчи ва кислород билан бойитувчи дархатлар, турли бута ва гулларни кўриб, яйрайсиз.

Мустақиллик майдонида Эзгулик аркаси орқали кириб борилади. Арка тепсидаги парвозга шайланаётган турналар халқимизнинг ўз буюк орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш йўлидаги юксак интилишлари тимсолларидир.

Муаззам майдонга қаддам қўяр эканмиз, ажиб сокинликни, унинг замирида мужассам бўлган мамлакатимиздаги озо-йишталликни теран ҳис этамиз. Шу билан бирга, бугунги тинч-осуда ҳаёт, мусавво осмон, тўкилик ва фаровонликка қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришганимиз ҳаёдан ўтади. Тилимиз,

динамизнинг ғариб аҳволи, улуг аждодларимизнинг муқаддас ҳокларига эътиборсизлик, миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимизни менсимаслик... Қалбимизга алам ва азоб солган ўша машъум хотиралар ҳар биримизни мустақиллик аталмиш энг улуг, энг азиз неъматининг, бугунги дорилмон кунларнинг қадрига етишга чорлайди.

– Ёшлигим мана шу майдонга туташ Анҳор бўйларида ўтган, – дейди Эркин ота Расулов. – Ўша даврларда майдоннинг умрида юртимизга бирор марта ҳам қадам қўймаган, тарихимиз ва қадриятларимизга мутлақо алоқаси бўлмаган "дохий" номи билан аталганидан ажабланардик. Майдон узра юрган мустамаккачиликнинг ҳарбий машиналари дилга ҳадиқ соларди. Ҳозир ушбу улугвор масканда ўзбекистоннинг мунис онаси, келажакимизни ўзида мужассам этган бегубор болакай қиёфаси нурланиб турибди.

«ОБЖУВОЗ»ГА БИР КЕЛИНГ

– Бобоюн, нега маҳалламизни «Обжувоз» дейишади? Тили чиқиб, кўп насага ақли ета бошлаган набирасининг бу саволи бобони мамнун этди. «Ҳозирги болалар жуда кизиқувчан-да, – дея ҳаёлидан ўтказди у. – Юртбошимиз орзу этган баркамол авлод бўлишди булар насиб этса, шунинг учун саволлари кўп». Бобо шуларни ўйларкан, кўзлари жавдираб турган болажонга юзланди:

– Ота-боболаримизнинг айтишича, маҳалламизда бир пайтлар сув билан ишлайдиган те- гирмонлар кўп бўлган. «Об» – сув, «жувоз» – те- гирмон дегани. Бу сув билан ишловчи тегирмон деган маънони билдиради. Бир пайтлар маҳаллада шароит бирмунча оғир эди. Мустақиллик маҳалла ҳаётига янги мазмун олиб кирди. Ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари кенгайди. Улар маҳаллада яшовчи ҳар бир оила, ҳар бир фуқароннинг яшаш шароити, иш билан бандлиги, тинч-тотувлигидан тортиб саломатлигига масъул ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

БУНЁД ЭТИЛАЁТГАН ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ – ФАРОВОНЛИК

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан мамлакатимизда тadbirkorлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлиқнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Зеро, бу соҳа миллий иқтисодий таъминоти тарғибнинг гаровидир.

Ҳаётда тadbirkorлик билан шугулланиш, мулкка эгалик қилиш – ҳар бир шахснинг конституций ҳуқуқи. Мулкдор бўлиш нафақат мулкка нисбатан эҳтиёжни қондириш, балки уни ҳимоя қилиш ҳамдир. Маълумки, меҳнаткаш, ташаббускор ва ишбилармон одамлар жамиятда қадимдан ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб келишган.

Айниқса, кейинги йилларда тadbirkorлик фаолиятига янада кенг имкониятлар яратилмоқда. Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлиқнинг ишончли ҳимоя қилиш таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тadbirkorлиги тўғрисида»ги Фармони навбатдаги ички қадам бўлди. Бу ҳужжат юртимиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрнини тубдан кенгайтириш, хусусий мулк ва хусусий тadbirkorлиқнинг ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қамқатириш, яъни ички маҳсулотда хусусий мулкнинг, жумладан, чет эл капитал иштирокидаги улушини изчил оширишга қаратилган.

Давр тақозоси билан иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш жараёнида хусусий мулкнинг ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қамқатириш, яъни ички маҳсулотда хусусий мулкнинг, жумладан, чет эл капитал иштирокидаги улушини изчил оширишга қаратилган.

Фармон билан бир қатор қўшув ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар киритиш белгиланган. Шунинг билан олган ҳолда, ҳозирги инвесторларни асосан саноатнинг юқори технологияли соҳасига жалб қилиш, инвестиция қилишни янада рағбатлантириш ҳамда инвестиция жараёнида ҳўжалик субъектлари ва аҳолининг иштирокини кенгайтириш, қаттирилди.

(Давоми 3-бетда).

Мана 24 йилдирки, илм даргоҳларимизда биринчи кўнғирок янада жўшқин, юракларни ширин ҳис-туйғуларга тўлдириб жарангламоқда. Бу – Мустақилликнинг, ҳурлик ва тинч-осойишталикнинг кўнғирок. Бу – барчани пухта билим олишга, баркамол авлод бўлиб вояга етишга ундовчи кўнғирок.

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИСИ ЯНАДА БАЛАНД ЯНГРАДИ

Қалбларда Мустақиллик айёми шукҳуи кезаётган бир пайтда "Билимлар кўни" ҳам ҳар бир устоз, ота-она ва фарзанд қалбига ўзгача қувонч ва ҳаяжон олиб кирди. Бойси, кимнингдир боласи эндигина 1-синфга қадам қўймоқда, кимнингдир фарзанди бу йил битирувчи, яна бир бахтли оила ўғил ё қизини талабаликнинг дастлабки сабоқларига кузатмоқда, кимдир охириги босқичга ўтиб, ҳаётнинг муҳим жабҳаларида жавлон уришга шай.

Вилоятимиздаги барча ўқув даргоҳлари – мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртида мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига ҳамонан "Билимлар кўни" кенг нишонланди. Мамлакатимизда ҳар йили мактабга илк бор қадам қўяётган 1-синф ўқувчиларига Президент совғаси – дарслик ва ўқув қуролларини тақдим этиш анъанасига айланган. Вилоят халқ таълими бошқармаси маъмулотидаги 877 та умумтаълим

МАҚСАДИМ МЕХАНИК БЎЛИШ

Янги ўқув йилини талабалик бахтига муяссар бўлган йигит-қизлар ўзгача ҳаяжон билан қарши оладилар. Ахир, олий ўқув юртида тахсил олиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунга чинакам билимиларига эришадилар.



Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

(Давоми 2-бетда).

Куз-қиш мавсумига тайёرمىсиз?

ГАЗ ҚУВУРЛАРИ СИНОВДАН ЎТДИ

Юртимизга куз ташриф буюрди. Ҳадемай, ёгин-сочини, изгирини кунлар бошланади. У ёғи эса қиш.

Халқимизнинг яхши анъанаю амаллари кўп. Жумладан, "қиш гамини ёзда ёйишга" одатланган. Бу анъана нафақат аҳоли хонадонлари, балки мамлакат халқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқларида ҳам қарор топган. Ҳатто, айтиш мумкинки, ушбу фойдали тadbirkor ҳар йили давлат миқёсида қатъий амал қилинади. Яъни, ҳар йили ёз ойларидаёқ республика Прези-

денти ва Вазирлар Маҳмадини махсус қарорлари эълон қилиниб, мамлакат иқтисодиёти тармоқларини куз-қиш мавсумига тайёрлашга киришилади.

Айни кунларда давлатимиз раҳбарининг "Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2015-2016 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комп-

лекс тайёрлашни таъминлаш чора-тadbirkorлиги тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифалар ижроси якуновчи паллага кирди. Ушбу Қарор табиий газ ва иссиқлик энергияси таъминоти корхоналари зиммасига, айниқса, жиддий масъулият юклайди. Зеро, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳалари куз-қиш мавсумида барқарор ишлаши, шунингдек, аҳоли ҳам қиш-қировли кунларни беташвиш ўтказиши

айнан юқоридаги корхоналарнинг мавсумга қай даражада тайёргарлик кўрганига боғлиқ бўлади.

Бунинг тўғри тушунган "Чирчиқшаҳаргаз" филиали маъмурияти мавсум тadbirkorлиги махсус режа асосида барвақт киришиб, энг асосий ва муҳим вазифаларни охирига етказаяпти. Хусусан, филиал газ ҳўжалигининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишларининг бориши ҳақида таҳририятга берган маълумотно-

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 2-бетда).

ОЗОДЛИК, ОБОДЛИК ВА БУЮК КЕЛАЖАК ТИМСОЛИ

Бугун жамиятимизда хотин-қизларни кадрлаш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини гўёки ойнадек акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади. Шу жиҳатдан мамлакатимиз бош майдони марказида қад ростлаган Бахтиёр она ҳайкали юртимизда оила қўргонининг чиройи ва қароғбони бўлган аёл зотиға қўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

Майдоннинг кўркига кўрк қўшиб турган обидадаги зарҳал Ер шарини рамзида алоҳида ажралиб турган Ўзбекистон ҳаритасини кўрган юртдошларимиз шурида чексиз ғурур-ифтихор туйғуларини жўш уради. Ушбу тасвир Ватанимиз дунё ичра ягоналиги, унинг жаҳон айвоида ўз ўрни, обрўси борлиги ва шўхрати тобора юксалиб бораётгани ифодасидир.

Халқимизнинг озу-интилишларини теран ифода этган, ёшларимизнинг маънавий оламини эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтиришга хизмат қилаётган маънавий муҳимага Ўзбекистон тақлифига биноан Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб ном берилган.

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. (Давоми. Боши 1-бетда).

Бош майдонимизнинг ажралмас қисмига айланган Хотира майдони бугунги дорилармон кунларимиз учун жон фидо қилган ватандошларимизга юксак эҳтиром ифодасидир. Хибоси марказидаги мангу аланга, Мотамсаро она ҳайкали, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонлик жангчиларнинг исм-фамилияси битилган айвонлар тоқчаларига ўрнатилган металл тахталар юртимизда инсон олий қадрият, хотираси муқаддас эканидан сўзлаб, ҳар биримизни юртимизда ҳукм сураётган, энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, миллатлараро тотувликни кўз қорачиғидек асрашга чорлайди.

Бугун Ватанимизнинг бош майдони юртдошларимиз учун севибли сайилгоҳ, табаррук зиёратгоҳ ва юксак маънавият масканидир. Умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни халқаро мусобақаларга кузатиш пайтида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйиш яхши анъанага айланган. Юртимизга ташриф бу-юрған хорижий мамлакатлар раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари ҳам давлатимизга бўлган ҳурматини ушбу Монумент пойига гулчамбар қўйиш орқали ифода этмоқда.

Бундан беш йил аввал келган бўлсам-да, пойтахтимизни танилмай қолдим, – дейди самарқандлик Гулнора Саидова. – Шу қисқа вақт оралиғида Тошкент қиё-

фаси мислсиз даражада ўзгарибди. Гўзал бино ва иншоотлар, кўчаю хиёбонлар пойтахт чиройига чирой қўшибди. Айниқса, Мустақиллик майдонидаги ўзгаришларни кўриб юрагим ҳаяжонга тўлди. Юртбошимиз айтганидек, ҳеч кимдан кам эмаслигимизга, кам бўлмаслигимизга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

Майдонни томоша қилаётганлар орасида кўп-лаб чет элликлари ҳам учратиш мумкин.

– Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман, – дейди хитойлик тадбиркор Кизхи Яньцзюнь. – Аммо ҳеч қаерда Ўзбекистондек жаннатмонанд юртни, ўзбеклар сингари бағрикенг ва меҳмондўст халқни, Тошкентдек гўзал ва сокин шаҳарни кўрмаганман. Бу ердаги ҳар бир иншоот шаҳарнинг чиройини очиб турибди. Мустақиллик майдонидаги орасталик, сокинлик, файзу тароват киши дилига ором беради. Шу боис бу ерда кўп сайр қиламан.

Мамлакатимизнинг бош майдони ҳисобланган Мустақиллик майдони ўзининг бетакрор қиёфаси, теран мазмун-моҳияти билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, буюк келажак сари катта умид ва ишонч билан интилиши, қандай улуг ишларга қодир эканининг амалий ифодаси сифатида барчамизни шу буюк Ватанга садоқат билан хизмат қилишга даъват этаверади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Маҳалла ҳаёти

Бир пайтлар санокли дўкон бўлган маҳаллада ҳозир 30 дан ортиқ савдо шаҳобчалари бор. Мақабда пухта билим олиш ва спорт билан шугулланиш учун шароит етарли. Деҳқон бозори, 6 та саратрошхона, 5 та гўзаллик саломи, 2 та пойабзал таъмирлаш устанонаси аҳоли хизматида. 10 та фермер хўжалиги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирмоқда. Дарвоқе, маҳалла обжувозларининг биттаси ҳали ҳам ишлаяпти. Лекин, энди у замонвийлашган.

Маҳалланинг 8 та кўчасидаги 425 та хонадонда 2500 дан зиёд аҳоли истикомат қилади. Тўрт йилдан бери маҳаллани бошқариб келаётган Рухиддин Холмонов доимий комиссиялар ишини мувофиқлаштириш, маҳалла "кам-қўстани" тўлдириш каби юмушлар билан шугулланса, маслаҳатчи Мавжуда Тўрабоева ҳар бир оиладаги аҳволга кўз-қулоқ, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси раҳбари Шухратбек Наримонов тинчлик-осойишталикка масъул. Масъул котиб Умида Абдумаликова бажарилган ишларнинг сарҳисоби билан банд.

"Ота-оналар университети" бола тарбияси, соғлом турмуш тарзи, эрта никоҳнинг олдини олиш каби муҳим мавзуларда суҳбатлар ташкил этаётган. Маҳалла, оила, мактаб ҳамкорлигида тез-тез ўтказилаётган ота-оналар мажлиси давоматининг охишига хизмат қилибгина қолмай, бўш вақтларини бекор ўтказадиган айрим ўқувчиларнинг турли спорт

(Давоми. Боши 1-бетда).

МАҚСАДИМ МЕХАНИК БЎЛИШ

– 141,8 балл тўплаб, давлат гранти асосида қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналишига ўқишга кирдим, – дейди Анвар Махмудов. – Насиб этса, деҳқончилик, чорвачилик соҳаларидаги техникаларни таъмирлаш бўйича инженер-механик бўлиб етишаман.

Университетда талабаларни қарши олишга бағишланган шодиёна мустақиллик дарси билан давом этди. Унда сўз олганлар Ватанимизнинг куч-қудрати, салоҳияти ҳар жиҳатдан ёшларнинг таълим-тарбияси билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидладилар. Шунингдек, уларнинг билим эгаллашлари учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилгани ҳақида тўхталдилар. Маърузачилар Ўзбекистоннинг мустақиллигига эришгани-

(Давоми. Боши 1-бетда).

тўғарақларига қатнашишларига туртки бўлди. Бу йил коллежни битирган 47 ўқувчининг 3 нафари олий илмгоҳларга ўқишга кирди, қолганлари уч томонлама шартнома бўйича ишга жойлашди.

Иккинчи ўринни эгаллагани оқсоқол фикрининг исботидир.

Ихтимой муҳофазага муҳтож оилалар аҳоли чўқур ўрганилиб, эҳтиёжманд оилаларга томорқаларидан унумли фойдаланишга ёрдам бери-

Маҳалланинг тадбиркору хунарамандлари оқсоқолнинг сўзини ерда қолдирмай, эҳтиёжманд оилалар фарзандларини ўз қанотлари остига оладилар. Масалан, сандиқчи Неймат Зокиров маҳалла ёшларидан 5-6 на-

«ОБЖУВОЗ»ГА БИР КЕЛИНГ



Маҳалла фуқаролар йиғини янги қонун ёки уларга киритилган ўзгаришларни тезда аҳолига етказишга ҳаракат қилади.

– Ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-хуқуқини, шунингдек, бурч ва вазифаларини яхши билиши учун қонунлардан ҳақдор бўлиши керак, – дейди Р. Холмонов. – Шундагина у ҳаётда қўқилмай яшайди.

"Сиз қонунни биласизми?" курик-танловининг республика босқичида маҳалла ёшлари фахрли

лаётгани, меҳнатга лаёқатли оила аъзолари ишга жойлаштирилаётгани ва хунарамандларга шогирдликка берилаётгани сабабли маҳаллада эҳтиёжманд оилалар йилдан-йилга камаймоқда. Улар асосан узумчилик ва сабзавотчилик билан шугулланишади. Масалан, Салоҳиддин ота Ақромов узумчиликнинг ҳадисини олган. Уста боғбон тоқни қандай парвартиришни маҳаллошларига ҳам эринмай ўргатади.

фариға бу касбнинг сирасорларини ўргатмоқда. Хунараманд Салоҳиддин Сайдуллаевнинг атрофида ҳам бешик ясашга иштиёқманд болалар парвона.

Оқсоқол маслаҳатчи билан ҳафтанинг бир кунини кексалар ҳолидан хабар олишга ажратади. Яқинда тиббиёт ходимлари билан 9 қариянинг уйда бўлишиб, тиббий кўрикдан ўтказишди, касаллик аниқланганларга дори-дармонлар беришди. Икки кексага сихат-

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлган маҳалла-лар ҳам фаол иштирок этмоқда. Йил сайин уларнинг ваколат доираси кенгайиб, ходимларнинг билим ва малакасини ошириш тизими та-

комиллашиб бормоқда. Бунда маҳаллаларда уюштирилаётган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар, шунингдек, анъанавий "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этмоқда.

ВАТАН ИЧРА МЎЎЖАЗ ВАТАН

Шу йил июнь ойида Бўҳорода бўлиб ўтган кўрик-танловнинг мамлакат босқичида иштирок этган вилоятимиз вакили – Қўйи Чирчиқ туманидаги "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Фарида Ҳайитматова фахрли учинчи ўринни эгаллади. Танлов совриндори билан маҳаллада маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

– Аввало сизни "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танлови совриндори бўлганингиз билан табриклаймиз. Ушбу нуфузли танлов ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни билишни истар эдик.

– Раҳмат. Ҳақиқатан ҳам "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган бундай нуфузли танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш менга билдирилган катта ишонч ва масъулиятдир.

Нуфузли ҳайрат аъзолари ҳар бир йўналиш бўйича чиқишларимизни синчиклаб кузатиб боришди ва ҳолис баҳолашди. Биз амалга ошираётган ишларимизни замонавий ахборот технологиялари воситасида тақдим этдик. Маслаҳатчиларнинг асосий фаолият йўналишлари бўлган – маҳаллаларда барқарор диний ва маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлаш, маънавий-маърифий иш-

ларни ташкил этиш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни чуқурлаштиришга қўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш, барқамол авлодни тарбиялаш, ногиронлар, кексалар, айниқса, ёлғиз қарияларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш каби йўналишларда амалга ошираётган ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Соҳага оид қонунлар бўйича билимларимиз ҳам синовдан ўтказилди. Ҳайрат аъзолари ҳар бир иштирокчининг фотоальбом, плакат ва стендларини ҳам синчиклаб ўрганишди.

Бир сўз билан айтганда, танлов фаолиятини такомиллаштиришда яна бир мактаб вазифасини ўтади. Тадбир давомида ҳамкасбларимизнинг таҳрибалари ва иш услублари билан танишиб, кўп нарсга ўргандим.

– Маслаҳатчи сифатидаги таҳрибаларингиз ва эришилган натижаларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Аввало, шуни яхши билиш керакки, ҳар бир маҳалланинг ўз шароити, удуи ва анъаналари бўлади. Маҳалла – Ватан ичра кичик Ватан, деб бежиз айтилган. Демократиклик, ҳар бир маҳаллада масаланинг шу жиҳатлари эътиборга олинган ҳолда ишни ташкил этиш керак.

Бугунги кунда маҳалла-миздаги 550 дан ортиқ хонадонда 10 дан зиёд миллат ва эллат мансуб 2551 аҳоли аҳли-иннок ва тинч-осойишта яшамоқда. Халқимиз ҳудудимиздаги ҳар бир миллатнинг удуи ва қадриятларини ҳурмат қилади, тўй-ҳашамлариде, маъракаларида бирга бўлади. Бугун уларнинг

гоҳда даволаниб келишлари учун йўлланма топширилди. Эҳтиёжманд оилаларнинг 2 тасига 100 тадан парранда, бокучисини йўқотган уч оилага кийим-кечақлар берилди.

Маҳаллада нотинч оилалар йўқ. Ақсинча, намунали оилалар кўпаймоқда. 69 ёшли Рухиддин Қурбоналиев, Паризода Исроилова, Мунаввар Шаматова, Тўйчибой Рўзमतов, Зарифа Ақромов хонадонлари барчага ўрнак. Улар маҳалла ишида ҳам фаол иштирок этишади, бошқаларни ортларидан эргаштиришади.

Қайси соҳага назар солсанг, маҳалла фуқаролар йиғинининг ташкилотчилиги, ҳақиқий етакчилигига гувоҳ бўласиз. Шу боис "Обжувоз" маҳалла фуқаролар йиғини "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" кўриктанловининг вилоят босқичида голибликни қўлга киритиб, шу йил 9 сентябрь кунини Жиззахда бўлиб ўтадиган республика босқичига йўлланма олди.

Паркентнинг узумларию мева-сабзавотларининг донги нафақат вилоятга, балки республикага кенг ёйилган. "Обжувоз" маҳалласига келсангиз, унинг меҳнатхаш, меҳмондўст, ободончиликини хуш кўрувчи одамларини кўриб, дилингиз ёрайди, шираси тилни ёрадиган узумдан бир шингил тановул қилсангиз, унинг соҳибқорига раҳмат айтмай қайтмасиз.

Нозима АРСЛОНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири,
Даврон АҲМАД
олган сурат.

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИСИ ЯНАДА БАЛАНД ЯНГРАДИ



– Билимлар кунини ҳамда Мустақиллик дарсларининг юқори савияда (Давоми. Боши 1-бетда).

ташкил қилиниши, айниқса, узоқ йиллар хотирада сақланиб қолиши ҳамда ёшларнинг

ўқиб-ўрганишга интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда пойдевор вазифасини ўташи билан бирга эндигина мактаб остонасига қадам қўяётган болалар учун муҳим аҳамиятга эга, – дейди Зангиота туманидаги 56-умумий ўрта таълим мактаби директори Гулбаҳра Гасилова. – Мактабимизда 867 ўқувчи таълим олади, янги ўқув йилида 1-синфга 215 бола қабул қилиниб, Президент совғалари топширилди.

Мустақиллик дарслари билан бошланган маънавият соатлари барча таълим муассасаларида 10 сентябрда қадар давом этади.

Нозима РАҲИМОВА,
Даврон АҲМАД
олган сурат.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

НАВОЛИСОЙ НАВОЛАРИ

Бўстонлик тумани хусусида ортиқча таърифу тавсифларга ҳожат йўқ. Биргина Оқтош қишлоғи бағрига мусофҳо ҳаводан баҳраманд бўлиш ниятида ҳар кунини минглаб одамлар атайин келиб-кеташар экан! Улар сафида чет элликлар қанчалар қанчалар!.. Шундай сўлим гўшада юз ёшдан ошиб яшаётганлар билан дийдорлашиб қанчалар кўнглили!

Туманда тўққиз нафар шундай табаррук ёшдаги нуруйиллар яшайди. Бир томони Оқсоқота сойининг чап қирғоғи бўйлаб ястанган узун овуларда, нариёғи Чимён тоғлари этакларига туташ Юсуфхонада, қолаверса, Қорақоя ва Пском тизимлари адоғидаги сўлим Сижжақда юз ёшдан ошган бахтиёр одамлар узоқ умр қўриш пойғасида пешқадамлар.

Ҳар қандай машаққатларни енгиб ўтиб, икки юзини йўл бошида турганлар ҳаётига чуқурроқ назар ташласак, ҳозирги ёшларимиз учун гоёти ибратли жиҳатларни кўрамиз...

Қумрихон ая Юнусова Хумсон қишлоғида туғилиб, ҳозир "Чинор" ма-

ҳалласида умргузаронлик қилмоқда. Бир юз беш ёш! Бу умр йўли айтишга осон. Ҳаёти давомида аёл бошидан нималар кечмади! Оилани тебратиб учун тинимсиз олиб-югуришлар, бир кунда рўзғордаги неча хил юмушларни саранжом-саришта қилиб яшаш! Айниқса, уруш йилларидаги қўриғиларни айтмайсизми! Шу даврда урушдан қайтган оғир ярадорларни даволаш госпитали очилган, Қумрихон учун азонлаб уй ва дала ишларини бажариш, кун бўйи госпиталда югуриб хизмат қилиш, ярим тунгача оила юмушларини саранжомлаш... Йиллар давомида ҳар кунини шу хилдаги бетиним ҳаракатлар Қумрихонни синдириб, эзиб ташлама-

ди, ҳар қандай оғир юмуш қаршидада эгилмади, балки шу тўсиқларни парчалаб, янчиб ўтди! Хозирги замон ёшлари, таъбир жоиз бўлса, келгуси авлод учун ҳақиқий ибратли ҳаёт бу!

Яна бир сўлим гўша Сижжақ қишлоғидир. Бу ном уч жар ёки учта сойлик маъносидан келиб чиққан, дейишди. Бошланғида Алвастисой, сўнг Сижжақсой ва исми жисмийа ярашган Наволисой! Ҳа, Наволисой доврўғини ким эшитмаган дейсиз! Унинг наволари бутун туман аҳлию жонларини аллалаб, ардоқлар экан! Илг дарда шифо зинлот сувини айтмайсизми!

Кексаларни эъзозлаш йилида Наволисойда Саъдулла ота Қобилининг муборак юз ёши катта тантана билан нишонланди. Бутун умри халол меҳнат билан кечган, авлодларини чин ватанпарвар қилиб тарбиялаган бахтли инсонни зиёрат қилув-

чиларнинг кети узилмайди. Шунчалар кўркам, таърифага тил ожиз гўзал бу масканларда юз ёш нима деган гап!

Наволисой наволари Чорвоқ денгизи оша сўлимлиги ҳеч қаердан қолишмайдиган маскан – Юсуфхонага етиб боради. Айнан шу маконда етмиш йил давомида содиқ мусулмонлардек бирларини суяб, ардоқлаётган Тўракул ота ва Жаҳон ая ибратли ҳаёт кечирмоқдалар.

Икки минг йилдан зиёд тарихга эга Хондайликда эса уч нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари истикомат қилади. Тўқсондан ошиб, юз ёшга яқинлашган Тоштурғун Шогийсов, Абдулбакир Умаров, Саъдулла Йўлдошев суҳбатга чанқоқ, ўтмиш хотираларини завқлиб хикоя қилишдан эриктирмайдилар. Бундай азизларни алоҳида эъзозлаш ҳақидаги қарор фармонлар қалбларимизга қувонч бахш этади!

Улар билан мириқиб суҳбатлашамиз, юз йил деган доводдан ҳам эсон-омон ошасизлар, мудом қишлоғимизни фахри бўлиб юринглар, дея чин дилдан тилак билдираман.

Юқорида номлари эҳтиром билан тилга олинган фахрийлар, шу жумладан ўзимиз ҳам авлодларимизни имкон қадар тўғри йўлларга бошлаймиз. Севиб-ардоқлаш, яратиш-яшнаш, ўзаро самимият, меҳр-оқибатни маҳкам тутиш сингари эзгуликлар йўлида имкон қадар амалий ибрат кўрсатамиз. Мақсадимиз шуки, авлодларимиз бизлардан ҳар томонлама баланд бўлиб, бахтли ҳаёт кечирсинлар. Шундай эзгу орзуларни амалга ошган юртнинг кексалари ҳеч қачон кам бўлмайди, Наволисой наволари тобора баландроқ янграйверади, ўзда ёнамас, сувада чўкмас Ватан "чинор"лари сафи тобора кенгайверади.

Асад АСИЛ.

Маданият

"Агар одамнинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадий диди, мусиқий маданияти пасайиб кетиши, маънавий оламини сохта туншунчалар эгаллаб олиши ҳеч гап эмас. Охир-оқибат бундай одам "Шашмаком" сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асар-

ЛАПАРЛАРИ ЭЛГА МАНЗУР

ларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади" дейди Юртбошимиз "Юксак маънавият - енгилмас куч" китобида.

Дарҳақиқат, мусиқа онг, руҳият ва маънавиятга таъсири билан инсон камолоти, айниқса, ёшлар тарбиясида катта аҳамият касб этади. Шунинг-

дек, у кишиларни меҳр-муҳаббатга, оилага, Ватанга садоқатли, фидойи бўлишга ўргатади. Бинобарин, халқнинг яшаш тарзи, урф-одат ва анъаналари миллий куй-қўшиқларимизга го бўлгани билан қимматлидир.

Янгийул туманида салкам 30 йилдан буён фао-

лият юритаётган "Заррин япроқлар" халқ фольклор-этнографик жамоаси мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодга безавол етказишга катта ҳисса қўшмоқда.

— Жамоамизга "Заррин япроқлар" номи берилгани бежиз эмас, — дейди

жамоа раҳбари Тоштилла Тожиева. — Биз кишилар кўнглига қуёшнинг заррин нуруларидан баҳра олган яшил япроқлар мусаффолигини олиб киришни ният қилганмиз. Мақсадимиз эса қадим-қадимдан қўйлаб келинаётган халқ қўшиқларини ёшларга ўргатиш.

Кайвони момолар, бири-бирдан гўзал лапарчилар, хуллас 10 ёшдан 70 ёшгача бўлган хаваскорлар жамоа аъзоларидир. Улар куй, қўшиқ, лапар, айтишув ва рақслари билан нафақат туман, балки вилоят ва республика тадбирларида фаол иштирок этмоқдалар. Жамоанинг "Келин яса-тиш", "Келинсалом", "Сумалак сайли", "Бешикка солиш" каби чиқишлари кўпчиликлари манзур.

Илмира МАКСУДОВА.

Оила тинч — юрт тинч

КЕЛИННИ ИНЖИҚ ҚИЛГАН КИМ?

Хонага кириб, уст-бошини ўзгартириб чиққан Лолахонга ўғли "айяй-папая" деди. Бундан ҳақли чиққан она ўғлини уришиб берди. Қайнонанинг асаби бузилди-ю, аммо индамади, ҳали икки ёшга тўлиб улгурмаган набирасининг гапидан суюнди. Қайнона-қайнота олдида елка, бўйинини очиб, оёқларини кўрсатиб юришдан уялмаган келиннинг ранжиди. "Жилла курса, қайнотангиз, мулла ахангиздан уялинг" дегиси келди-ю, тишини-тишига қўйди.



Икки ой бурун кудаси билан шу масалада санманга боргани ёдига тушди.

Қайнонаси олиб берган узун қўйлакни кийиб келгани учун қизини роса койиғандаи ўшанда онаси: — Шунақа узун қўйлақда юрсанг, эринг бошқасини топиб олади, сен қозон-товок билан ўралашиб қолаверасан. Эринга айт, ишлашга рухсат берсин. Уйда ўтирма, гўзаллик салонларига бор, дугоналаринг билан учраш. Иккинчи бу кийимингни кўрмай, калта, енгини йўқ қўйлақ ол. Йўқ, ахирини шим билан кофта кий.

Икки кун ўтар-ўтмас қизи йиғлаб келди:

— Эрим билан уришдим.

— Нега?

— Қизил қўйлагим бори-дику, шуни кияман десам, қирқиб ташлади. Калтамиш...

— Ўзи олиб берган бўлсаям майли эди. Қани, олдимга туш...

— Катта жанжал бўлди. — Қуда, ўзингизни бо-синг, эр-хотин ўзлари уришиб, ўзлари ярашиб кетади, — деди қайнона.

— Нега, аралашмас эканман, бу ҳали ёш, оқ-қорани билмайди, йўлга солиб туришим керак. Қизим хоҳлаганини қи-яди. Йўқ, десангиз олиб кетаман, яшамайди.

— Яшамаса, яшамасин, олиб кетинг қизингизни, — жаҳл остига минди қув. — Қунига ўн марта телефон қиласиз, соатлаб гаплашасиз, бўлар-бўлмас нарсаларни ўр-гата-сиз. Бунинг инжиқ-ликларидан нарчадими... Ке-таверсин...

— Ха, афсуски, бу каби ҳолатлар учраб турибди, — дейди "Маҳалла" хай-

рия жамоат фонди Бўстонлик тумани бўлими бош мутахассиси Холида Абборова. — Туманимизда 42 та маҳалла, 20 та қишлоқ фуқаролар йиғи-ни бор. Ўтган олти ойда яраштириш комиссияла-рига 229 та ариза туш-ган бўлса, аксарияти қай-нона-келин можаролари-дир.

Қизининг ҳаётига ара-лашиб, қувни измига со-лишга ҳаракат қиладиган оналар бор орамизда. Уларнинг бу хатти-хара-катлари келиннинг қайно-на-қайнотани, ҳатто тур-

нодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўз-да тутадиган мафкура-вий, ғоявий ва информа-цион хуружларни назар-да тутиш лозим" деб кўп бора таъкидлайдилар, — дейди тумандаги 17-мак-табнинг маънавий-маъ-рифий ишлар бўйича директор ўринбосари Малика Тракова. — Дар-ҳақиқат, маънавий таҳ-дид қайси кўринишда бўлишидан қатъи назар онг ва қалбни захарлай-ди. Шу орқали миллатни ўзлтиридан, миллийлигидан айиради. Оқибатда фарзандларимиз миллий гурур, миллий ифтихор туйғуларидан йироқда, ёт ғоялар таъсирида кат-та бўладилар. Шунинг учун биз энг аввало, ёшларимизда мафкура-вий иммунитетни шакл-лантиришимиз керак.

— Болам, сен опаларингдан хаф бўлма. Мен ҳам икки-уч бор гаплаш-дим. Лекин шашларидан қайтишлари даргумон кўринади. Сен аввал юз-қўлингни юв. Мен чой тайёрлаб қўйганман. Ях-широқ нуношта қилиб ол-гач, машинанда ғи-зиллаб бориб, опаларин-ни олиб кел.

Асадбек машинасини ўт олдириб, қўшни қи-шлоққа жўнади. У опала-рини олиб қайтганича, Гулнора хола ҳовлидаги сўрига жой хозирлади, қозонда мастава қайна-тиб қўйди. Ҳовлига ша-кароб сув селиб, супур-гач, сўрига келиб ўтир-ди. Шу топда дарвоза-дан қизлар кириб ке-лишди.

Кўзгудаги ўзимиз

Кеча эшитган хунук хабардан сўнг Гулнора хола-нинг қон босими кўтарилиди. Туни билан игна устида ётгандек тўлганиб чиқди. Кўнгли-нинг туб-тубида кўтари-лаётган ғалаён тилига кўчди:

— Ё Художон, қизларим қалтис қатога йўл қўйиш-моқда. Эртага бирор кори ҳол юз берса, опа-сингил-лар ўртасидаги риш-та-га путур етади. Агар иложини топ-масам, эртага кеч бўлади.

Гулнора хола асаблари таранг ҳолда ҳовлига чиқ-ди. Тоғлар орти-дан кўёш элас-элас нур тарат-моқда. Ўғли ётган хона деразасини чертди. Асадбек овоз берди:

— Ҳа, она, тинч-ликми?

— Э, болам, туни билан мижжа қоқмадим. Опа-ларинг қилаётган иш...

— Мен ҳам ту-шунтиришга уриндим, аммо кўндирилмадим. Уларингиз шаш-ларидан қайтади-ганга ўхшамайди.


— Болам, сен опаларингдан хаф бўлма. Мен ҳам икки-уч бор гаплаш-дим. Лекин шашларидан қайтишлари даргумон кўринади. Сен аввал юз-қўлингни юв. Мен чой тайёрлаб қўйганман. Ях-широқ нуношта қилиб ол-гач, машинанда ғи-зиллаб бориб, опаларин-ни олиб кел.

Асадбек машинасини ўт олдириб, қўшни қи-шлоққа жўнади. У опала-рини олиб қайтганича, Гулнора хола ҳовлидаги сўрига жой хозирлади, қозонда мастава қайна-тиб қўйди. Ҳовлига ша-кароб сув селиб, супур-гач, сўрига келиб ўтир-ди. Шу топда дарвоза-дан қизлар кириб ке-лишди.

Гулнора хола қизлари-ни сўрига тақлиф қилиб, дуога қўл очди.

— Она, нима гап? Са-ҳармардондан Асадбекни элчи қилиб юборибсиз, — деди катта қизи Шохис-та.

— Тинчлик, болам, тинч-лик. Сенларни кўргим келди. Анави кунги гапи-миз ҳам чала қолганди. Сен билан Шохиди бир

РИШТА
УЗИЛДИ

томон, Асадбек билан мен бир томон бўлдик. Тушунларинг ахир, ҳеч замонда опа-сингиллар қуда бўладими? Бу му-сулмончиликка ҳам тўғри келмайди. Ҳали ҳам кеч эмас. Икки ёшми бахти-қаро қилманлар. Бир кунмас бир кун улар ке-лишолмай қолишса ёки фарзандлари нуқсон би-лан туғилса, сенларнинг ўрталаринг ҳам совуқ-чилик тушади. Бундай бўлмаслигига ҳеч ким ка-фолат беролмайди.

— Ия, она, бу нима де-ганингиз? — деди Шохиста. — Ана, ён-ат-рофга қаранг. Сен минг-та опа-сингил, ака-ука-лар қуда-анда бўлишган.

Бизга қолганида мусул-мончиликка тўғри келмас эканими? Бўлмаган гап. Бу қуруқ сафсата. Яхши ният қилинг. Бизлар опа-сингиллик риштасини қудачилик билан янада мустаҳкамламоқчимиз.

— Бас қил, ношукр қиз. Қайси она ўз фарзандла-рига ёмонлиқни раво қўради. Сенларга ўзи гап уқтириб бўлмай қолибди, биланларинг қил-ларинг. Эртага би-рор гап бўлса...

Мен сенларга она сифа-тида тушунти-ришга ҳаракат қилдим.

— Бошга тушга-нини кўз кўради, — деди Шохиста. — Энди бизга рух-сат.

Гулнора хола: "Мастава ичиб ке-тинглар", деб ўрнидан кўзгал-моқчи бўлди. Аммо қизлари қўнмади.

Орадан бир ойлар ўтиб, опа-сингиллар қуда бўлишди. Тўй оқшомини "Ви-сол" тўйхонасида катта дабдаба билан ўтказишди. Тўйдан кейин опа-сингиллар-нинг қудачилиги, бор-йўғи уч ой давом этди. Ора-ларига қора мушук ора-ладими, ўрталаридаги ришта узилди, ёввойи мушукдек бир-бирларини юмдалашди. "Айб сенинг ўғлингдан" деди синглиси.

"Йўқ, айб сенинг қизинг-дан" деди опаси. Хуллас, опа-сингиллар юзқўрмас бўлишди, икки ёшнинг бахтини қаро қилишди. Бу иснодга чидай олма-ган қувё қишлоқдан ша-ҳарга жўнаворди.

Опа-сингиллик риш-та-си узилгани етмагандек, орадан олти ой ўтиб, Шо-хиданинг қизи фарзанд-ли бўлди. Афсуски, юз-қўрмаслик устига гўдак ҳам икки оёғи мажруҳ бўлиб туғилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Мустақиллик мушоираси

МЕН — ЎЗБЕКМАН

(Шеърӣй монолог)

Мен — ўзбекман,
Илоизлари мазийларга
тақалган.

Мен — ўзбекман,
Туркийларнинг бош
бўғини саналган.

Ёфас ўғли Туркидир
бобом,
Пайбоний, Ўзбекхонман.

Кўчманчилар
қавми аро
бўлганман.

Мен Эр Тўнга,
Мангуберди,
Асраб юртни ёғийдан,
Душманларга нафрат

ёққан
Отимнинг туғидан.

Тарихимдан сўзлар
бу кун
Қошғарий битиклари.

Кимлигимни англади
Яссавий ўғитлари.

Мен — Имом
Ал-Бухорийман,
Саҳиҳ хадис яратган.

Табиб Ибн Сино бўлиб
Дунёга ном таратган.

Хоразмийман,
келажакни
Олдиндан дилга туйган,
Замонавий устирлобга
Тамал тошини қўйган.

Фарғонийман,
юртда туриб
Улчаган нахри Нилани.

Улуғбекман, ерда туриб
Яратган нужум илмин.

Берунийман, ер илмию
Глобусга асос солган,
Фаробийман,

Аристотель —
Дея Шарқда ном олган.

Истеъмолага ўнлик
касрни
Олиб кирган Кошийман.

Илм-хунарога ҳеч
тегиш йўқ
Бузрук Қаффола

Шошийман.
Солномалар битган
менман —

Хондамир, Али Яздий,
Араб тили имлосига
Асосчи Замаҳшарий.

Амир Темура Тарағайман,
Юртларни
бирлаштирган.

Навоийман, назм кўкида
Қуёшдай порлаб турган.

Айтаверсам кимлигимни
Асло адо бўлмайди.

Аммо аччиқ
қисматимдан
Дил косаси тўлмайди.

Чунки бошдан
не савдою
Не ғавғолар ўтмади.

Неча ғаним
ўз юртимда
Мени талаб кетмади.

Шўро деган бир
ғаламис
Бойлигимга чанг солди.

Тилу диним-диёнатим
Тортиб олмоқчи бўлди.

Бу салтанат
келажаги
Йўқлигини мен билдим.

Мустабидалик давридаёқ
Ўзни мустақил
қилдим.

Шундан бўён пешонаси
Яркираган ўзбекман.

Дунёда ўз ўрнин топган
Ўзига бек ўзбекман.

Ўзбекона моделимга
Кенг олам қойил қолди.

Шу туйғайли
бўхронларни
Писанд қилмай ўтолдим.

Мен яратган
машиналар
Дунё бўйлаб кезмоқда..

Мен — деҳқонман,
хирмонларим
Булутлардан ўзмоқда.

Мен Муҳаммад
Юсуфманки,
Ватанни мадҳ айлаган.

Тангриевман, норзига
Эл меҳрини жойлаган.

Эрматовман, кенг
жаҳонда
Футболга ҳакам бўлган.

Ўша менман —
юртим дея
Фахр ила кўкрак керган.

Хуллас, буюк
тарихи бор,
Эртаси бор миллатман.

Бир мақсад
бирлаштирган
Тўқсон икки элатман.

Мен — ўзбекман,
Ўз юртимда эркинману
эркаман.

Мен — ўзбекман,
Ватанимни буюқликка
элатман.

Карим МАВЛОН.

ҚОЧОҚЛАРГА
ОВҚАТ, КИЙИМ-
КЕЧАК

Мюнхен ҳукумати ша-ҳар аҳолиси марказий вокзалга оқиб келаётган қочоқлар учун тақдир этаётган озик-овқат, кийим-кечак ва ўйинчоқ-ларни тарқатишга улгур-мапти.

Шаҳар полицияси мюн-хенликлардан қочоқларга ёрдам кўрсатишни қамати-ришни илтимос қилди. Ша-ҳарнинг марказий вокзали-даги қочоқлар 590 кишига етди. Тушга бориб, уларга аталган совғалар керагидан олиб кетгач, полиция ша-ҳарликларга ҳушумомалик билан мурожаат этди.

Қочоқларга ёрдамчи тўхта-тишларини илтимос қилиш-га мажбур бўлди.

Кейинги вақтда Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларида вазият таҳликали тус олгани

сабабли Европа давлатлари-га келаётган қочоқлар янада кўпайди. Еврокомиссия тақ-лиф этган режага мувофиқ, қочоқларни Европа Иттифоқи мамлакатларига улар аҳоли-сининг сони, иқтисодий са-лоҳияти ва аҳоли турмуш да-ражасига мутаносиб тарада жойлаштиришга ҳаракат қилинапти.

ПАРИЖ
МАРКАЗИДАГИ
ЁНГИН
ҚУРБОНЛАРИ

The Guardian наشري тарқатган хабарда айти-лишича, Париж маркази-даги беш қаватли турар-жойда бошланган ёнғин фожиали яқунланди.

Бахтсиз ҳодиса қамида саккиз кишининг умрига зо-мин бўлди, улардан икки нафари болалар. Яна тўрт киши турли даражада жаро-ҳат олди.

ОЙ ТУТИЛИШИ
КУТИЛАЯПТИ

27 сентябрь куни Ер шарининг қўллаб минта-қалари аҳолиси камёб астрономик ҳодиса — Ой сайёрасининг тўлиқ тути-лишини кузатишлари мумкин.

АҚШнинг аэроавтика ва космик фазони тадқиқ этиш миллий бошқармаси (NASA) эълон қилишича, бу ҳол сўнгги бор 1982 йилда юз

берган, навбатдагиси эса 2033 йилда қайтарилиши кутилади.

NASAnинг маълумоти-га қараганда ойнинг бу сафар-ги тўла тутилишини Шимо-лий ва Жанубий Америка, Европа ва Африканинг бу-тун ҳудудида, Осиёнинг гар-бий ва Тинч уммони минта-қасининг шарқий қисмида кўриш мумкин. Бу галги кузатувнинг таассуротлари ўзгача бўлади. Негаки, 27 сентябрь куни Ой обдон тўлишган бўлиб, одатдаги-дан 14 фоиз каттароқ, 30 фоиз ёрқинроқ кўринади.

Умуман, тўлини ойнинг тўлиқ тутилиши, ўтган аср бошидан буён беш марта — 1910, 1928, 1946, 1964 ва 1982 йилларда рўй берган эди.

ЖИНОЙИ АЙБОВ

Гватемаланинг бир па-латали парламенти мам-лакатнинг амалдаги пре-зиденти Отто Перес Мо-линини суд таъкибидан ҳимояловчи иммунитетни бекор қилишни ёқлаб овоз берди.

Конгресснинг 158 аъзо-сидан 132 нафари шу қарор-ни қўллаб-қувватлади. Шун-дай қилиб, энди давлат рах-

барига жиноий жавобгарлик қўлаш мумкин бўлади.

Мамлакат бош прокурату-раси ва Гватемаладаги БМТ молиялаштирадиган Қонунсизликка қарши ку-раш халқаро комиссияси кенг қўламли коррупцион тизим тепасида айнан пре-зидент турган дея гумон қилмоқда. Божхона орган-лари фаолиятини ўрганиш якунида шундай хулосага келинди. Собиқ вице-пре-зидент Роксана Балдетти ҳам 21 августда ушбу ти-зимга алоқадорликда гу-мон қилиниб, қўлга олин-ганди.

Перес Молина кейинги кунларда бу коррупцион тузумга мутлақо алоқадор эмаслигини қайта-қайта тақдорлаб, шу боис истеъ-фога чиқмоқчи эмаслиги-ни айтмоқда. Коррупция сабаб бошланган катта жанжаллар жараёнида бир неча вазирлар истеъфога чиқишларини маълум қилишди. Бундан ташқари, бир неча вазир ўринбосар-лари ва президент вақил-лари ҳам лавозимларидан кетишларини айтишди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маъналимиз:

100000.
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

e-mail:
th.tp@mail.ru

Қабулхона:

Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08.
233-56-03, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
териш ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳар